

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/5 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SPI1342V3SI5Y2023

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 5/5 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодида Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Тахририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Тахририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Кайпова Малика Дауытбай қизи*  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДДА  
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ .....9-13
- Фарманова Гульнара Комилевна*  
АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Г.А.ПУГАЧЕНКОВОЙ НА ТЕРРИТОРИИ  
САМАРКАНДСКОГО СОГДА ..... 14-19
- Aminov Xurmatbek Вахрам о'g'li*  
HUNARMANDCHILIK RIVOJI UCHUN YANGI IMKONIYATLAR .....20-25
- Мустафоев Жонибек Аралбоевич*  
“ПАХТА ИШИ”НИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ФОЖИАЛИ  
ОҚИБАТЛАРИ (НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) ..... 26-31
- Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li*  
O'ZBEKISTON TARIXIY TARAQQIYOTNING ZAMONAVIY BOSQICHIDA IJTIMOY DAVLATNI  
SHAKLLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY ISTIQBOLLARI .....32-36
- Маҳмудон Эркин Асқаралиевич*  
АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ФАРҒОНАДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ....37-45
- Назаров Комил Шамсуддинович*  
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ .....46-51
- Матажонов Раҳимжон Акрамович*  
O'ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI  
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI .....52-58
- ### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ
- Остоноқулов Азамат Абдукаримович, Султонов Омон Жума ўғли*  
ДАВЛАТ ОТМЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ  
ҲИСОБОТЛАРНИНГ АХБОРОТ ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 59-69
- Narmamatov Ixtiyor Baxtiyorovich*  
DEVELOPMENT ADVANTAGES OF CASHLESS PAYMENTS IN THE PAYMENT SYSTEM OF  
UZBEKISTAN ..... 70-75
- Хамраев Джамшид Панжиевич*  
ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЗАРУРЛИГИ ..... 76-81
- Кулибоев Азамат Шоназарович*  
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 82-91
- Axmedova Nazokat Zikirillo qizi*  
KORXONA MARKETING STRATEGIYASIDA RAQAMLI STRATEGIYADAN FOYDALANISH  
USULLARI VA AFZALLIKLARI ..... 92-97

<i>Саатмуротов Шохрух</i> МИНТАҚАДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ .....	98-103
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i> АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ ОМИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИ .....	104-113
<i>Кадиров Лутфулло Халимович</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ .....	114-121
<i>Ibragimova Zarema Zokirovna</i> DUNYONING IQTISODIY RIVOJLANGAN MAMLAKATLARINING BOSHQARUV TASHLILINI TASHKIL ETISH VA ULARNI ICHKI IQTISODIYOTGA TATBIQ ETISH TAJRIBASI .....	122-129
<i>Қодиров Азизжон Анварович</i> «COVID-19» ИНҚИРОЗИНИНГ ЖАҲОН ЭКОТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ .....	130-137

### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

<i>Sharipov Dilshod Baxshilloyevich</i> JON LOKKNING TABIIY HOLAT VA TINCHLIKKA OID QARASHLARI .....	138-145
<i>Rahmatova Xolidaxon Xolikovna</i> ХОҲА АНРОР ВАЛИЙНИНГ ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА НАМЎНАТЛИККА ДОИР Г'ОЙАЛАРИ – ВАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙОТ ОМИЛИ СИФАТИДА .....	146-151
<i>Орзиев Иқболжон</i> АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА СЕКУЛЯРИЗМ ОМИЛИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ .....	152-157
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i> ILMIY MUAMMOLARNI HAL ETISHDA VAHS-MUNOZARALARNING TUTGAN O'RNI.....	158-165

### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

<i>Israil Mukaddas Irgashevna</i> BOSMA MEDIA TILINING SOTSIOLINGVISTIK ASPEKTDА O'RGANISH USULLARI .....	166-172
<i>Nishonova Xurshida Yusufjanovna</i> A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA MILLIY RUHNING IFODALANISHIDA E'TIQODIY QARASHLAR .....	173-178
<i>Маматкулова Камола Шавкат кизи</i> ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПОНЯТИЯ ПРЕЦЕДЕНТНОСТИ В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕГО РОЛЬ В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ .....	179-184
<i>Hamroyeva Dilfuza Jamolovna</i> O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARIDA YUZ SOMATIZMINING BADIY TALQINI .....	185-189
<i>Mahmudova Xushnoza Ravshanbekovna</i> OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA MOLIVAVIY SAVODXONLIKNI OSHIRISH	

MASALALARI .....	190-195
<i>Ismonova Yorqinoy Abdumutalib qizi</i> ROMANDA ROVIY BOLA OBRAZI.....	196-200
<i>Mirzoyev Masudjon Kimsanovich, Niholchonova Navbahor</i> FARZONA XO'JANDIY SHE'RLARIDA MIFOLOGIK PERSONAJLAR BADIY IFODASINING XUSUSIYATLARI .....	201-206
<i>Kholiyorov Bunyod</i> THE CONDITION OF DEVELOPMENT OF LEXICAL COMPETENCE USING AUTHENTIC MATERIALS IN TEACHING ENGLISH IN NON-PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS .....	207-213
<i>Hazratqulov Mutallib Rashidovich, Gulxanova Fotima, Qarshiboyeva Muborak</i> NUTQNI IDROK ETISH QONUNIYATLARI .....	214-219

### **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Файзиев Шухрат Хасанович</i> ПОНЯТИЕ И ОСОБЕННОСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В КОНТЕКСТЕ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ .....	220-225
<i>Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li</i> ATOM ENERGIYASINING XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING XALQARO-HUQUQIY ASOSLARI .....	226-233
<i>Safoeva Sadoqat Musoeva</i> IJTIMOIY TARMOQLARDA FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABATLARNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH ISTIQBOLLARI .....	234-246
<i>Бокиев Жаҳонгир Нурматжон ўғли</i> АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ .....	247-253
<i>Турсунова Маликахон Улуғбековна</i> ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТДА ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАРИ: ИСЛОХОТЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРТИБОТИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ .....	254-258

### **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Atamatov Abduxalil Salomovich</i> OLIJ TA'LIM MUASSASALARIDA MUSTAQIL SOATLARNI O'QITILISHINING KOMPETENSIYAVIY O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	259-265
<i>Omarova Gavhar Sadikovna</i> HUQUQ FANINI O'QITISHDA TA'LIMNI TABAQALASHTIRISHNING PEDOGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI: DIDAKTIK O'YINLAR MISOLIDA .....	266-271
<i>Baratov Jo'raqo'zi Shukurjon o'g'li</i> BO'LAJAK PEDAGOGLARNING KASBIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART TOPSHIRIQLARNING ROLI VA AHAMIYATI .....	272-277



---

<i>Kuchkarova Arofathon</i> THE IMPORTANCE OF GEOGEBRA IN ENHANCING STUDENTS' LEARNING OF MATHEMATICS AT SCHOOLS .....	278-283
<i>Tojiyeva Xolida Baxtiyorovna</i> UMUMTA'LIM MAKTABLARI ADABIYOT DARSLARIDA ASAR BADIYYATINI O'QITISH TARIXI .....	284-288
<i>Masharipov Ravqat Madraximovich</i> KURASH BILAN SHUG'ULLANUVCHI TALABA SPORTCHILARDA TAYYORGARLIK BOSQICHLARINI KUN VA HAFTALIK MIKROTSIKLLARDA MASHG'ULOT YUKLAMALARINI OPTIMAL ME'YORLASH .....	289-295
<i>Niyozmatov Anvar Bahodirovich</i> XORAZM XALQ O'YINLARI .....	296-303
<i>Qodirov Xasanboy Oribjonovich</i> OLIJ TA'LIM MUASSASASI TALABALARIDA LIDERLIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH BOSQICHLARI .....	304-309
<i>Kejaboev Abdusalim Erkaboevich</i> PEDAGOGIK MENEJMENT VA ZAMONAVIJ RAHBAR KOMPETENTLIGI .....	310-315
<i>Axmadjonova Farangiz Axrorjon qizi</i> OLIJ TA'LIM MUASSASALARIDA MASOFAVIY TA'LIM MAZMUNI VA TA'LIM JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISHNING DIDAKTIK – USLUBIJ TA'MINOTI .....	316-322



07.00.00 – Тарих фанлари

**Мустафоев Жонибек Аралбоевич**  
Навоий давлат педагогика институти  
“Тарих” кафедраси катта ўқитувчиси

**“ПАХТА ИШИ”НИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ  
ҲОЖИЛИ ОҚИБАТЛАРИ (НАВОЙ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Навоий вилоятида “Пахта иши” қатағони даврида олиб борилган ғайриҳуқуқий ҳаракатлар натижасида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, оғир фожеали оқибатларни келтириб чиқариши ҳақида маълумот берилади. Гдлян бошчилигидаги тергов гуруҳи айбланувчиларга нисбатан тергов жараёнида ноқонуний усулларни қўллаб, сохта айбларни мажбурлаб қўйишади. Мақолада жиноятчи сифатида ноҳақ жазоланиб, азоб уқубатга гирифтор бўлиб, айбланувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган кишилар мисолида таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** “Пахта иши”, қатағон сиёсати, тергов гуруҳи, ноқонуний тергов, сохта айблов, инсон ҳуқуқларини топталиши, порахўрлик, тухмат, фожеали оқибатлар.

**Jonibek Aralboevich Mustafоеv**  
senior teacher of the Department of "History" of the  
Navoi State Pedagogical Institute

**IMPACT OF THE "COTTON AFFAIR" ON SOCIO-ECONOMIC LIFE AND ITS TRAGIC  
CONSEQUENCES (IN THE EXAMPLE OF NAVOI REGION)**

**Abstract.** This article provides information about the negative impact on the socio-economic life of the society as a result of the illegal actions carried out during the repression of the "Cotton affair" in the Navoi region, causing serious tragic consequences. The investigative team led by Gdlyan uses illegal methods in the investigation process and forces false charges against the accused. The article analyzes the case of people who have been unjustly punished as criminals and who have suffered, and the rights and freedoms of the accused have been violated.

**Key words:** "Cotton affair", repressive policy, investigative team, illegal investigation, false accusation, violation of human rights, bribery, defamation, tragic consequences.

**Мустафоев Жонибек Аралбоевич**  
старший преподаватель кафедры «История»  
Навоийского государственного педагогического института

**ВЛИЯНИЕ «ХЛОПКОВОГО ДЕЛА» НА СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКУЮ ЖИЗНЬ И ЕГО  
ТРАГИЧЕСКИЕ ПОСЛЕДСТВИЯ (НА ПРИМЕРЕ НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ)**

**Аннотация.** В данной статье представлена информация о негативном воздействии на социально-экономическую жизнь общества в результате противоправных действий, осуществленных в период репрессий «Хлопкового дела» в Навоийской области, повлекших тяжелые трагические последствия.

Следственная группа во главе с Гдяном использует в следственном процессе незаконные методы и выдвигает против обвиняемых ложные обвинения. В статье анализируются дела людей, которые были несправедливо наказаны как преступники и пострадали, а права и свободы обвиняемых были нарушены.

**Ключевые слова:** «Хлопковое дела», репрессивная политика, следственная группа, незаконное расследование, ложное обвинение, нарушение прав человека, взяточничество, диффамация, трагические последствия.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPI1342V3SI5Y2023N04>

**Кириш.** XX асрнинг 80 йилларига келиб Марказнинг эски касали қўзиб, яна бир бор Ўзбекистонга нисбатан қатағон сиёсатини амалга оширди. Мустабид совет тузумининг Ўзбекистонда олиб борган қатағони сиёсати иттифоқ миқёсидаги оммавий ахборот воситалари орқали ўзбек халқига нисбатан шунчалик кўп бўҳтонлар ёғдирилдики, оддий аҳоли ўртасида ўзбек халқи ҳақида салбий фикрларни урчитиб юборди. Иттифоқ таркибидаги бошқа республикалари аҳолисининг онги шуурида “ўзбек халқининг порахўрлиги”, “пахтага қўшиб ёзиш, социалистик мулкни оммавий талон тарож қилиши” каби салбий фикрлар ўзбек халқини бадном қилишга қаратилган уйдирмалардан иборат эди.

**Адабиётлар таҳлили ва методология:** Бир қатор мутахассислар хусусан, Х.Юнусова, Д.Авлияқулова, Ҳ.Абуев, Х.Хожамбердиевлар томонидан Гдян бошчилигидаги СССР Прокуратурасининг тергов гуруҳи томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган қатағон ишига оид баъзи тадқиқотларни амалга оширилгани[1]га қарамай, Навоий вилоятида амалга оширилган қатағон сиёсати бўйича махсус тадқиқот ҳали амалга оширилгани йўқ. Ушбу мақолада “Пахта иши” қатағонининг Навоий вилоятида амалга оширилиши ва унинг оғир ижтимоий-иқтисодий оқибатлари таҳлил қилинган. Мазкур мавзунинг тадқиқ этишда тарихийлик, объективлик, қиёсий таққослаш, хронологик кетма-кетлик ва тарихий изчиллик тамойилларидан фойдаланиб, ёритиб беришга ҳаракат қилинди.

**Муҳокама.** Қатағон даврида Навоий вилоятида ҳам бутун республикада бўлгани каби аёвсиз равишда айбсиз кишилар исканжага олиниб, азоб уқубатларни бошдан ўтказди. Гдян бошчилигидаги тергов гуруҳи ноқонуний усуллардан фойдаланиб, йиллар давомида айбланувчиларга нисбатан жисмоний ва руҳий жижатдан азоб беришди. Айбсиз кишилар сохта айбларни мажбуран бўйнига олиб, “махсус изолятор” ва қамоқхоналарда ўтиришга мажбур бўлишди. Бу қатағон нафақат пахтачиликни, балки соҳаларни қамраб олгани ва бутун ўзбек халқини айблашдан иборат бўлиши билан бошқа қатағонлардан фарқланади. Шу тариқа Марказ томонидан “Пахта иши” “ўзбеклар иши”га айлантирилди.

**Натижалар.** Марказ томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган қатағон сиёсати республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, бир қатор фожиали оқибатларни юзага келтирди. СССР Прокуратураси тергов гуруҳи ходимлари томонидан қонунчиликни қўпол равишда бузиш ҳоллари рўй бериши терговдагилар ва гувоҳларнинг иродасини букиб қўйган, улар Гдяннинг ҳар нарсага қодирлигига ишона бошлаганлар ҳамда ўзларига ҳам, бошқаларга нисбатан ҳам сохта кўрсатмалар беришга мажбур бўлганлар. Оқибатда аксарият кишиларнинг онги шуури фалаж ҳолатига келиб қолди[2].

СССР Прокуратурасининг тергов гуруҳининг фаолияти Ўзбекистон аҳолисини катта қисмининг ижтимоий, иқтисодий ҳаётини издан чиқариб юборди. Т.Гдлян бошлиқ тергов гуруҳи фаолияти билан боғлиқ материалларни текшириш юзасидан тузилган комиссия аъзоларининг фикрича, Гдлян ва унинг шериклари қишлоқ аҳлининг, пахтакорларнинг турмуш даражасини кўргандилар, одамлар узунни узиб, калтани чўзиб яшаётганлигини билишини, деҳқоннинг кўрпа-тўшакдан бошқа ҳеч вақоси йўқ. Камбағаллик одамларни гирибонидан маҳкам тутган. Ана шундай сабрли, чидамли халқ шаънига “ўғри”, “талончи”, “порахўр” каби ҳақоратомуз сўзларни ишлатиши, маънавий қашшоқлик, сурбетликдан бошқа нарса эмас. Гдлян меҳнаткаш оилаларни аёвсизларча қатағон қилди, терисини шилиш даражасига етди. Терговчилар жабр зулми оқибатида кўзлари кўр бўлиб қолган одамнинг сўзларини тингларкансан, уни нақадар қийнаганлиги хусусида, отасини қонунга хилоф равишда ҳибсга олишгач, онаси эса, қайғу алам доғида ҳаётдан кўз юмгач ўн нафар ука ва сингилларининг ягона боқувчиси сифатида қолганлигини кўрганини сўзлаб берди[3]. Жумладан, вилоятдаги тергов гуруҳи раҳбарларидан бири Ў.Карбоев Файзулло Раҳматуллаевни уйини тинтув қилишга келганида айбланувчининг уйи хароба ҳолатида эканини, шахсий автомобиль тугул хонадонда кўзга кўринарли мебелли йўқлиги, уйнинг пол қисми андава қилиниб, палос ташлаб қўйилганини, ҳаттоки турмуш ўртоғининг қўлида оддий узуги йўқлигини кўриб туриб ҳам хазина излайди. Ф.Раҳматуллаев икки кун олдин 120 сўм ойлик маошини ва бир даста майда тангаларни қизил тусдаги рўмолга солиб, сандиққа қўйган эди. Тергов гуруҳи бошлиғи бир даста чақа солинган рўмолни топиб олиб, “мана ниҳоят яширган пулларингни топдик” деб хурсанд бўлиб, қизил рўмолдаги оиланинг кундалик эҳтиёжлари учун ишлатиладиган арзимаган пулни тугунини очмай туриб “яшириб қўйилган хазина” топилганини, уни далилий ашё сифатида расмга тушириб актлаштириб кетган[4].

Пахта иши билан қамалиб кетган кишиларнинг оила аъзоларини кўрган қийинчиликлари маҳкумларникидан кам бўлмаган. Айбланувчиларнинг ота оналари содир бўлаётган ноқонуний ҳолатлар олдида ожиз қолиб, фарзандига ва оила аъзоларига кўрсатилаётган зуғумлар ортидан руҳий тушкунлик ва турли оғир касалликларни орттириб олишган. Аксарият айбланувчиларнинг ота-оналари, яқин қариндошлари азоб уқубатлар кўриб, вафот этишган. Сўроққа чақирилган яқин қариндошларга нисбатан “давлат душмани, хоиннинг отаси, онаси, хотини ёхуд яқин қариндоши” қабилида муносабатда бўлган. Совет тузумининг қатағони қурбони бўлган Хуррам Умирзоқовнинг турмуш ўртоғи Орзигул Умирзоқованинг Ўзбекистон ССР хотин-қизлар совети раиси Алимовага авф этиш тўғрисида ёзган аризасида эрини ноҳақ қамалганини, унинг айби юқори партия органларининг буйруқларини бажаришга маҳкумлигида деб билиб, эрининг қораланаётган қилмиши ортидан оилага бирон сўм даромад келмаганлигини, ҳеч қандай бойлик орттирмаганини тергов жараёнида исботланган бўлсада, терговчиларнинг бир томонлама ҳаракати туфайли қонунсиз равишда жинойтчига айланганини, оқибатда оила боқувчисидан айрилиб қолди, иқтисодий ва руҳий тушкунликка дучор бўлиб хор-зор бўлганини ёзади. Орзигул Умирзоқова ўзининг аризасида — “Менинг соғлигим йўқ, 75 ёшли қайнонам ва 6 нафар ёш болам билан боқувчисиз қолдик. Мен бир муштипар ўзбек аёли — тишим чиқиб, эсимни танибманки, пахта даласидаман, бутун умрим, куч-қувватим шу ўзи оқ, аммо

кирдикори қора бўлган пахтага кетди. Менинг қарамоғимдаги 6 нафар ёш болам ҳам пахта даласида туғилди, шу ерда вояга етмоқда. Сиздан илтимос, болаларимни муносиб совет граждани бўлсин десангиз уларни отасини зиндондан қутқаришга ёрдам қилинг”[5] дея совет жамиятининг ҳақиқий юзини кўрсатиб беради.

Ғайбулла Бекмуродовнинг турмуш ўртоғи Муҳаббат Бекмуродованинг Навоий область суди коллегия аъзоси Х.Явқочевга ёзган талабномасида келтирилишича, эри ноҳақ қамалганидан сўнг уларнинг оилавий аҳволи ниҳоятда оғирлашиб кетади. 6 ойлик ҳомиладор ҳолида на ўзи, на 71 ёшли қайнонаси, на 6 нафар ёш фарзандлари бирор ердан бир сўм олиб келишга қурби етмаган. М.Бекмуродова қарзга жун сотиб олиб келиб, ундан пайпоқ тўқиб сотиб, болаларни очдан ўлдирмаслик учун ун олиб келиб, фақат қуруқ нон ейиш билангина қишдан чиқиб олишади. Ҳар қанча қийин бўлса ҳам ҳомиладор ҳолига ипак қурт уруғини олиб, қуртни боқиш учун кечаси ёш болалари билан барг уриб чиқишган. Устига устак қўлида ёш чақалоғи билан сариқ касалга чалинган М.Бекмуродова суд коллегиясидан эрининг ишини қайта кўриб чиқишини талаб қилади[6].

ЎзССР ЖКнинг 119<sup>1</sup>, 149 ва бошқа моддалар билан айбланиб, олти йилга озодликдан маҳрум қилинган Исмаи Сафаровнинг турмуш ўртоғи Мукар Сафарова томонидан ЎзССР Олий суди раисига ёзган аризасида эри қамалиб кетганидан сўнг иқтисоди кундан кунга оғирлашиб бораётгани, ўзи ҳомиладор эканлиги қари қайнонаси ва 4 нафар фарзандини боқа олмаётганини, бунинг устига шу воқеалар таъсирида бир фарзандини оёқ-қўллари шол бўлиб қолгани, келажакда қандай қилиб кун кўришини билмаслигини, мавжуд вазиятни ҳисобга олиб эрига енгиллик беришини сўраб мурожаат қилади[7]. Терговчилар Хуррам Умирзоқовнинг қари ота-онаси ва 6 нафар ёш боласи соғиб ичиб турган сигирини колхоз ҳисобига мусодара қилиб юборишади. Тергов даврида терговчи Р.Рўзиев Умирзоқовга “агар давлатга ўз ихтиёрингиз билан пул топширсангиз, жиноятингиз енгиллашади ва сизга енгил жазо тайинланади” деган гапи учун ўзи емаган, фойдаланмаган бўлсада, таниш билишлардан қарз олиб 3001 сўмни терговчига топширади. Терговчи эса 50 сўмни “ҳазм қилиб” қолган пулни жиноят ишини далили сифатида протоколлаштириб юборади[8].

Бутун республикада бўлгани каби “Пахта иши” билан айбланиб қамалган кишиларнинг турмуш ўртоқлари тўрттадан ўнтагача фарзандлари билан боқувчисиз қолиб кетган. Хусусан, 10 нафар фарзанднинг отаси Қурбон Зарипов, 9 нафар фарзанднинг отаси Баҳриддин Туробов, 9 нафар фарзанднинг отаси Ҳикмат Асадов, 11 нафар фарзанднинг отаси Бахшулло Ҳамроев, 4 нафар фарзанднинг отаси Толиб Сафаровларнинг турмуш ўртоқлари фарзандлари билан биргаликда таъминотчисиз қолиб кетган. Қурбон Зариповнинг ноҳақ қамалиб кетиши ортидан ўн нафар фарзанди, касалманд хотини, трактор авариясидан ҳалок бўлган укасининг 3 нафар қизи билан бева келини ҳамда қари онаси — асосий оила боқувчисиздан ажралиб қолган[9]. 12 йиллик қамоқ жазоси тайинланиб, жазо муддатини Учқудуқ шаҳридаги 64-20 ЖИЕМда туриб Рустам Нуровнинг ёзган кассацион шикоятда отаси томонидан 1969-1970 йилларда қурилган пахсали уйнинг ҳатто шифери ҳам йўқлигини, турмуш ўртоғи касаллиги туфайли колхозда ишлай олмаслигини, 5 нафар фарзандининг таъминоти онаси Гавҳар Нурованинг 40 сўм пенсияси билан кун кўришга мажбур бўлаётганини ёзган[10]. Унинг оиласи узоқ вақт гўшт ва тансиқ таомлар емаган, қариндошларнинг

эски кийимларини кийиб юришга мажбур бўлган. Р.Нуровнинг оиласини совет ҳукумати шунчаки безътибор қолдирган, оила қариндошларининг моддий ёрдамидагина оила жон сақлаб қолишган[11].

Терговчиларнинг алдовига учган Ў.Хидиров 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Навоий пахта тозалаш заводининг директори Н.Наврўзовнинг шофёри Ў.Хидировдан Зарафшон совхозининг директори Р.Ҳамраевнинг завод директорига бир челак узумнинг остига пул олиб келиб берганлиги ҳақидаги сохта воқеликни кўргани тан олишини талаб қилишади. Ў.Хидировнинг акаси А.Хидиров ҳам терговга чақирилиб, терговчи ундан 1400 сўм олиб келишини, эвазига укасининг жинойий ишини ёпилишини айтади. А.Хидиров қариндошларидан айтилган суммани йиғиб, айтилган жойда фуқаролик кийимидаги кишилар қўлига элтиб беради[12]. Терговчилар қўлига тушган сумма дарҳол Ў.Хидировнинг жинойий ишига унга қарши тарзда тикиб қўйилади. Комиссия аъзоси Струковнинг фикрича, Гдлян гуруҳига кирган терговчилар содир этган қонунбузарликларнинг юздан бир қисмига ҳам бошқа жойларда, дейлик на Россияда, на Украина, на Белоруссияда йўл қўйишмасди. Бунақа ўзбошимчаликка бирор ерда тўсқинликка учрамай қолмасди.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда “Пахта иши” қатағони даврида амалга оширилган сиёсий бўҳронлар аввало ижтимоий-иқтисодий ҳаётга салбий таъсир кўрсатди. Тергов гуруҳи томонидан айбланаётган кишиларнинг оилалари боқувчисиз қолиб кетиб, иқтисодий ночор аҳволда ижтимоий ҳимоясиз қолиб кетди. Айбланувчининг уйи титув қилинган пайтда аксарият ҳолатларда унинг охириги оила харажатлар шафқатсизларча олиб қўйилди. “Пахта иши” қатағонининг асосий фигураларидан бир бўлган терговчилар ўз фаолиятларида фақат очикдан очик айблов қўйиш, уни ҳар қанақасига бўлсада тан олдиришдан иборат бўлган. Оқибатда айбланувчиларга нисбатан қўлланилган жисмоний ва маънавий азоблардан сўнг, улар сохта айбловларини “бўйинига олиш”га мажбур бўлганлар. Ўта хунрезлик билан ўтказил қатағон сиёсати на Марказга, на тузумга фойда берди, балки иттифоқнинг тезроқ тарқалишига бир туртки бўлди.

### Адабиётлар /Литература/References:

1. Юнусова Х. Э. XX асрнинг 80–йилларида Ўзбекистонда ижтимоий–иқтисодий жараёнлар ва маънавий ҳаёт.Тарих.фан.док. дисс. -Т.:ЎЗМУ, 2009;
2. Авлияқулова Д.Д. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 20-80 йиллари. жанубий вилоятлар мисолида) Тарих.фан.ном. дисс. -Т.:ЎЗМУ, 2012.;
3. Абуев Ҳ. О. Совет ҳокимиятининг қайта қуриш сиёсати ва унинг ўзбекистонга таъсири (1985-1991 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. -Т.: 2020. ;
4. Ходжамбердиев Х. “Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарихи” (1970 – 1991 йиллар) Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. -Т.: 2020.
5. Съезд топшириғига биноан // «Қишлоқ ҳақиқати » газетаси, 1990 йил, 4 май
6. Ковалев А. Халқ ҳақиқатни билмоғи зарур//Қишлоқ ҳақиқати, 1990 йил 30 январь

7. Ж.Мустафоевнинг Навоий вилояти Навбаҳор тумани Меҳнат маҳалласи Олчин кўчаси 149-хонадонда истиқомат қилувчи Файзулло Раҳматуллаев билан билан суҳбатидан олинган. 13.08.2022
8. Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларининг идоравий архиви. 31041рақамли жиноят иши 4 том.177-178 -варақлар.
9. Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларининг идоравий архиви. 31041рақамли жиноят иши 4 том.194-195 -варақлар.
10. Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларининг идоравий архиви. 25128 рақамли жиноят иши 14 том.261 -варақ.
11. Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларининг идоравий архиви. 31041 рақамли жиноят иши 4 том. 283 -варақ.
12. Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларининг идоравий архиви. 31070 рақамли жиноят иши 1 том.158-варақ.
13. Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларининг идоравий архиви. 31042 рақамли жиноят иши 3 том.99-варақ.
14. Ж.Мустафоевнинг Навоий вилояти Навбаҳор тумани Совунгар маҳалласи Юлдуз кўчаси 41-хонадонда истиқомат қилувчи Рустам Нуров билан билан суҳбатидан олинган. 14.08.2022
15. Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларининг идоравий архиви. 6753-рақамли жиноят иши. 8-том.187-варақ.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/5 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).